

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ВАЛИЕВ НЕЪМАТЖОН ВАЛИЖОН ЎҒЛИ**

**АНТИАРИТМИН ВА ДИГИДРОАТИЗИН ГИДРОХЛОРИДИ ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИ СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Валиев Неъматжон Валижон ўғли**

Антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди дори воситалари  
субстанцияларини ишлаб чиқариш технологиялари ..... 3

**Валиев Неъматжон Валижон ўғли**

Технологии производства субстанций препаратов антиаритмина и  
дигидроатизина гидрохлорида ..... 21

**Valiev Nematjon**

Technologies for manufacture of antiarrhythmic and dihydroatisine  
hydrochloride drug substances ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. К/В/Т. 37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ВАЛИЕВ НЕЪМАТЖОН ВАЛИЖОН ЎҒЛИ**

**АНТИАРИТМИН ВА ДИГИДРОАТИЗИН ГИДРОХЛОРИДИ ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИ СУБСТАНЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**02.00.10 - Биоорганик кимё**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.4.PhD/Т495 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мавлянов Саидмухтор Мақсудович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Исматов Дилмурат Нуруллаевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон Миллий университети, ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262 35 40, факс: (99871) 262 70 63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел.: (99871) 262 35 40, факс (99871) 262 70 63, e-mail: [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.И.Салихов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., академик

**М.И.Асраров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.д., профессор

**А.А.Ахунов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё бўйича қайта тикланувчи табиий ўсимлик ресурсларини физиологик фаол моддалар – дори воситаларини олиш мақсадида қайта ишлаш соҳасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бунга сабаб, физиологик фаол табиий бирикмалар синтетик аналогларига нисбатан зарарсизлик кўрсаткичлари бўйича устун эканлигида. Бундан ташқари, бутунжаҳон миқёсида дунё аҳолиси соғлигини сақлаш масаласи глобал аҳамиятдаги масаладир. Шунинг учун, доривор ўсимликларни қайта ишлаб, табиий бирикмалар асосида юқори терапевтик самарали дори воситаларини ишлаб чиқаришнинг рационал, иқтисодий самарадор ва экологик тоза, юқори рентабелли технологияларини яратиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг турли мамлакатлари тадқиқот марказларида ўсимлик хом ашёларининг кимёвий таркиблари дитерпеноид алкалоидлар сақлашига кўра тадқиқ этилган, уларнинг фармакологик ва токсикологик хоссалари аниқланган, уларни саноат усулида ишлаб чиқариш соҳасида технологик тадқиқотлар амалга оширилган. Табиий моддалар субстанцияларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган кимё-фармацевтик компаниялар томонидан алкалоид сақловчи ўсимлик хом ашёсини физиологик фаол бирикмалар, шу жумладан дитерпеноид алкалоидларни олиш мақсадида қайта ишлаш технологияларини амалиётга жорий этилган бўлиб, улар асосида турли мақсадлардаги дори воситалари яратилган.

Республикамизда доривор ўсимликлар захираларини аниқлаш, уларнинг кимёвий таркибини тадқиқ этиш, табиий бирикмалар устида фармакологик ва токсикологик изланишлар ва доривор ўсимликларни қайта ишлаш технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Натижада алкалоидлар асосида «Аллапинин», «Галантамин гидробромиди», «Цитизин» ва бошқа дори воситаларини яратишга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика саноатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларни арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Ушбу ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, дитерпеноидли алкалоидлар асосида янги дори воситалари ва уларни саноатда ишлаб чиқариш технологияларини яратиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

Фармони, 2018 йил 12 июлдаги ПҚ-3847-сон «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дитерпеноидли алкалоидларни манбаларидан ажратиб олиш ва тузилишини аниқлаш устидаги тадқиқотлар ҳамда ушбу синфга мансуб алкалоидларни фармакологик ва токсикологик ўрганишлар жаҳонда S.Pelletier, G.Waller, O.Achmatovich, A.Rahman F.Wang, L.Marion, Q.Chen, C.Lin, K.Kou, A.Ulubelen томонидан амалга оширилган. Сўнги йилларда дитерпеноидли алкалоидлар учун янги йўналишлар, шу жумладан цитотоксик ва саратонга қарши фаолликларини ўрганиш соҳасида салмоқли ютуқларга эришилган.

Ўзбекистонда алкалоидларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар XX асрнинг 50-йилларида академик С.Ю.Юнусов, унинг ҳамкасблари ва шогирдлари: О.С.Содиқов, С.И.Искандаров, Г.П.Сидякин, П.Х.Юлдашев, М.С.Юнусов ва бошқалар томонидан бошланган. Улар томонидан юзлаб алкалоид сақловчи ўсимликларнинг кимёвий таркиблари ўрганилган. *Aconitum* туркумига оид ўсимликларнинг дитерпеноид алкалоидларини чуқур тадқиқ қилиш, жумладан уларнинг тузилишини аниқлаш, биосинтези, метаболизи ва модификацияларини Б.Т.Салимов, М.Н.Султонходжаев, С.К.Усмановлар томонидан амалга оширилган. Дитерпеноидли алкалоидларнинг фармакологик ва токсикологик хоссалари Ф.С.Садриддинов ва Ф.Н.Джахангировлар томонидан аниқлаган. Айрим дитерпеноидли алкалоидлар субстанцияларини ишлаб чиқариш технологиялари Т.Т.Шакиров, Х.Н.Арипов, Ш.Ш.Сагдуллаев, А.З.Садиқов томонидан ишлаб чиқилган.

Ўсимлик моддалари кимёси институти Фармакология ва токсикология бўлими олимлари томонидан қатор дитерпеноидли алкалоидларнинг фармакологик ва токсикологик хоссаларини ўрганишда аниқландики, лаппаконитин (аллапинин)нинг асосий метаболити – N-дезацетиллаппаконитин (антиаритмин) турли хайвонларларда барий хлорид, юрак бўлмаларига электр таъсири ва тожсимон артерияни боғлаш орқали чақирилган юрак маромини бузилишида аритмияга ва фибрилляцияга қарши юқори таъсир намоён қилади. Аллапининдан фарқли ўлароқ, антиаритминнинг захарлилиги пастроқ, кенгроқ терапевтик таъсирга эга, аритмияга қарши самарасининг тезкорлигига кўра аллапининдан устун келади. Шунингдек, дигидроатизин гидрохлоридини тахиаритмиянинг қоринча ва бўлмача шаклларида аритмияга қарши фаоллиги аниқланган. Миокардга электрофизиологик таъсир механизмига кўра дигидроатизин гидрохлориди ўзида I ва IV синф антиаритмикларининг хоссаларини намоён қилади. Унинг хинидин, новокаинамид, лидокаин,

аймалин, аллапинин ва верапамил каби аритмияга қарши замонавий дори воситаларидан устунлиги аниқланган.

А.З.Садиқов ва ҳаммуаллифлар томонидан аллапинин субстанциясини саноат ишлаб чиқариш чикиндисидан янги антиаритмин дори воситасини ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган. Бироқ, N-дезацетиллапаконитин гидробромидини аллапинин ишлаб чиқариш жараёнидаги миқдорий ўзгариш динамикаси, ишлаб чиқариш жараёнларини босқичма-босқич назорат қилиш, технологик жараёнларни оптималлаштириш ва антиаритмин дори воситасини стандартлаш ишлари бажарилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган институтнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ФА-А12-Т121 «Аритмияга қарши таъсирга эга бўлган 1-О-бензоилнапеллин гидрохлориди ва дигидроатизин гидрохлориди фитопрепаратларини ишлаб чиқиш ва яратиш» (2009-2011); № И6-ФА-0-11621 «Янги импорт ўрнини босувчи антиаритмик таъсирга эга бўлган аксаритмин ва антиаритмин дори воситаларини тиббиёт амалиётига татбиқ этиш» (2013–2014) ҳамда № И-ФА-2017-6-5 «ЎЗР ФА ЎМКИ ТИЧКда дигидроатизин гидрохлориди субстанциясини ишлаб чиқариш тизимини яратиш, дори воситасига тегишли хужжатлар жамланмасини тузиш, клиник синовларни ўтказиш» (2017-2018) мавзуларидаги амалий ва инновация лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди дори воситалари субстанцияларини ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

аллапинин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш жараёнида антиаритмин дори воситаси субстанцияси унуми ва сифатига таъсир қилувчи асосий омилларини аниқлаш;

*Aconitum zeravschanicum* ўсимлиги ер устки қисмидан дигидроатизин гидрохлориди субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини босқичлар бўйича тадқиқ этиш;

ушбу дори воситалари субстанцияларини ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш;

вақтинчалик фармакопёя мақолалари ва тажриба-саноат регламентлари лойиҳаларини тузиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида техник аллапининни қайта кристаллашдан сўнг олинган метанолли қолдиқ – алкалоидлар аралашмаси эритмаси ва *Aconitum zeravschanicum* ўсимлигининг ер устки қисми танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** тадқиқот объектларидан олинадиган дитеперноидли алкалоидларни ажратиб олишнинг технологик жараёнларини тадқиқ этиш ва оптималлаштириш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ушбу тадқиқотни бажаришда кимёвий, технологик (экстракция, декантация, суюқлик-суюқлик тизимида тозалаш, чўктириш, кристаллаш, қайта кристаллаш), физик-кимёвий, аналитик (юпка қатламли хроматография, спектрофотометрия, титрлаш) ва математик

(тажрибаларни режалаштириш, тажриба натижаларининг статистик таҳлили) усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

аллапинин саноатининг иккиламчи маҳсулотлар утилизацияси масаласини ҳал этиш орқали антиаритмин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини оптималлаштириш усули ишлаб чиқилган;

*Aconitum zeravschanicum* ўсимлиги ер устки қисмидан дигидроатизин гидрохлориди субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологияси яратилган;

антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди дори воситалари субстанцияларининг сифат ва миқдорий таҳлил усуллари ишлаб чиқилган ва якуний маҳсулотлар стандартланган;

антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди субстанцияларини ишлаб чиқаришни босқичма-босқич назорат қилиш усулари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган технологик схемалар асосида Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди субстанцияларини олишнинг саноат курилмалари тизими яратилган ва ушбу тизимларда технология апробациядан ўтказилган;

фармакопея мақолаларини тузиш, тайёр дори шакллари ишлаб чиқиш, фармако-токсикологик ҳамда клиник синовларни таъминлаш учун антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди дори воситалари субстанциялари ишлаб чиқарилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишлаб чиқилган технологияларни амалиётга жойи қилишда апробациядан ўтказилганлиги ва 5 сериядаги турғун намуналарнинг ишлаб чиқарилганлиги билан тасдиқланади. Шунингдек, натижаларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тўртта вақтинчалик фармакопея мақолаларининг тасдиқланиши ҳамда ишлаб чиқиладиган дори воситалари субстанцияларига рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаларининг берилганлиги билан ҳам тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти математик усуллар билан оптималлаштирилган жараёнлар ва ишлаб чиқилган технологик жараёнларни босқичма-босқич назорат қилиш усуллари якуний маҳсулот унумининг ортиши ва йўқотишларнинг камайишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, аритмияга қарши таъсирга эга бўлган янги антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлорид дори воситалари ишлаб чиқилган ва тиббиёт амалиётига тавсия қилинган. Аллапинин субстанциясини ишлаб чиқаришнинг иккиламчи маҳсулотларидан антиаритмин субстанциясини олишда фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон ҳудудида ўсувчи *Aconitum zeravschanicum* ўсимлигидан дигидроатизин гидрохлорид субстанциясини ишлаб чиқариш, Республикамизда дори воситаларини маҳаллийлаштириш дастурларини бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди субстанциялари технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

антиаретмик таъсирга эга бўлган N-дезацетиллапаконитин гидробромидни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№ IAP 04858, 2014 й.). Натижада «Аллапинин» субстанциясини ишлаб чиқаришнинг иккиламчи маҳсулоти «Антиаритмин» субстанциясини олишда манба сифатида фойдаланиш имконини берган;

«Антиаритмин» дори воситаси субстанцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси» томонидан рўйхатга олинган (№DV/M/01559/06/17). Натижада юрак аритмияси хуружларини тез бартараф этувчи аритмияга қарши янги дори воситасини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Дигидроатизин гидрохлорид» дори воситаси субстанцияси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси» томонидан рўйхатга олинган (№DV/M/01563/06/17). Натижада бир вақтнинг ўзида I ва IV синфлар хоссаларини намоён этувчи аритмияга қарши янги дори воситасини ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола эълон қилинган, 1 та ихтиро патенти олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Дитерпеноидли алкалоидларнинг табиий манбаалари, физиологик фаолликлари ва технологиялари**» номли биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий изланишларнинг шарҳи

келтирилган бўлиб, у *Aconitum* туркуми ўсимликлари, уларнинг алкалоид таркиби ва дитерпеноидли алкалоидларнинг биологик фаолликлари тўғрисида умумий маълумотларни ўз ичига олади. Шунингдек, дитерпеноидли алкалоидлар асосидаги аритмияга қарши дори воситалари тўғрисида маълумотлар ҳам келтирилган. Дитерпеноидли алкалоидларни олиш мақсадида ўсимлик хом ашёсини қайта ишлаш технологияларидан мисоллар келтирилган.

Диссертациянинг «Аллапинин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришнинг иккиламчи маҳсулотларидан антиаритмин дори воситаси субстанциясини олишнинг саноат технологияси» иккинчи боби аллапинин субстанцияси саноатининг иккиламчи маҳсулотларидан антиаритмин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини ўрганишга бағишланган. Шунингдек, ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич, якуний маҳсулот сифати назоратлари ҳам ушбу бобда келтирилган. Жумладан, антиаритмин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш учун N-дезацетилапаконитин алкалоидининг тўпланиш босқичини аниқлаш мақсадида аллапинин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ўрганилган.

Ўсимлик хом ашёси ҳамда ишлаб чиқаришнинг технологик босқичларида олинадиган оралиқ маҳсулотларда лапаконитин ва N-дезацетилапаконитиннинг миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, якуний маҳсулотни олишгача бўлган даврда лапаконитин миқдори камайиб, N-дезацетилапаконитин миқдори кўпайиб боради (1-расм).



**1-расм. Лапаконитин ва N-дезацетилапаконитин миқдорининг ўзгариши (I – лапаконитин, II – N-дезацетилапаконитин)**

Бу ерда

1. Ўсимлик хом ашёси – шимол парписи ўсимлиги илдизи ва илдизпояси
2. Экстрактни буғлатишдан кейин олинган сувли қолдиқ
3. Хлороформли экстракт № 1
4. Алкалоидларнинг сульфат кислотали экстракти
5. Хлороформли экстракт № 2
6. Қуритилган алкалоидлар йиғиндиси



Графикдан кўринадики, вақтинчалик фармакопея мақоласи талабларига жавоб берувчи N-дезацетиллапаконитин гидробромиди юқори унуми иккиламчи маҳсулот сувли эритмасининг муҳити рН 6,0-6,5 бўлганида олинган.

*Техник антиаритминни тозалаш ва антиаритмин – фабрика олиш.* Техник антиаритминни ранг берувчи ва ёт кўшимчалардан тозалаш учун фаоллантирилган кўмир («А» маркали, нейтрал) билан тозалаш усули таклиф этилди. Техник маҳсулотни тозалашнинг оптимал шароитларини аниқлаш, ҳамда тозалаш жараёнига турли омилларни таъсирини ўрганиш учун тажрибаларни математик режалаштиришнинг 3×3 лотин квадратлари ёрдамида оптималлаштириш тажрибалари ўтказилди. Жараёнга таъсир этувчи эритувчи – этил спирти : техник маҳсулот нисбати, техник маҳсулот : фаоллантирилган кўмир нисбати, ҳамда қайнатиш вақти каби омиллар таъсири ўрганилди.

Жараён оптималлаштирилгандан сўнг қуйидаги оптимал шароитлар танланди: этил спирти : техник маҳсулот нисбати 1:10, техник маҳсулот : фаоллантирилган кўмир нисбати 20:1, қайнатиш вақти – 10 дақиқадан кам эмас.

Ранг берувчи ва алкалоид бўлмаган ёт моддалардан тозаланган техник маҳсулотнинг спиртли эритмаси қуюлтирилиб, қуритилади. Олинган техник маҳсулот N-дезацетиллапаконитин гидробромидидан ташқари дитерпеноидли алкалоидларни бошқа метаболитларини ҳамда қисман лапаконитин, ранаконитин, ацетилсепаконитин, сепаконитин каби алкалоидларнинг гидробромид тузларини сақлайди. Техник маҳсулотни юқорида кўрсатилган кўшимчалардан тозалаш мақсадида, уни этанол, хлороформ, метанол, ацетон каби эритувчиларда эриши ўрганилди. Аниқландики, маҳсулот этанол ва хлороформда яхши, метанолда кам ва ацетонда жуда кам эрийди.

Техник маҳсулотни қайта кристаллаш учун ацетон таклиф этилган бўлиб – унда техник N-дезацетиллапаконитин гидробромиди жуда кам эриши, йўлдош алкалоидлар эса нисбатан яхши эриб, чўкмага тушмаслиги аниқланди.

Маҳсулотни қайта кристаллашдан сўнг меъёрий хужжат – ВФМ 42 Уз-3258-2017 вақтинчалик фармакопея мақоласи талабларига жавоб берадиган юқори тозаликдаги субстанция олинди.

Шундай қилиб, иккиламчи маҳсулотдан антиаритмин дори воситасини саноат ишлаб чиқаришининг барча технологик жараёнлари қайтадан кўриб чиқилиши натижасида, хом ашёда сақланишига нисбатан 95% ва тозалиги 97,5% дан кам бўлмаган антиаритмин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришга эришилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида, антиаритмин субстанциясини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди ва Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида аллапинин субстанциясини ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган иккиламчи маҳсулотдан антиаритмин субстанциясини ишлаб чиқариш тизими яратилди. Антиаритмин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси қайта кўриб чиқилди ва дори воситасининг биринчи турғун намуналари олинди.

Антиаритмин субстанциясини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси 3-расмда кўрсатилган.



*Антиаритмин субстанциясини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси баёни.* Таркибида 50% миқдорида N-дезацетиллапаконитин гидробромиди сақлаган аллапинин субстанцияси ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган қуритилган иккиламчи маҳсулот тегирмонда майдаланади. Тарозида тортилган 1 кг хом ашё аралаштиргич (2)га жойланади. Ўлчов идиш (1)дан аралаштиргич (2)га 30 л дистилланган сув қуйилади. Иккиламчи маҳсулот тўлиқ эриганидан сўнг бромид кислотаси эритмаси ёрдамида муҳитнинг рН кўрсаткичи 6,0-6,5 га келтирилади. Тайёрланган эритмага экстрагент сифатида 10 л миқдорида ҳажмдаги хлороформ қуйилади. 10 дақиқа давомида аралаштирилиб, гетерофазали системани ажратиш учун тиндирилади. Хлороформли қисм ўлчов идиши (3)га йиғилади. Сўнгра яна 2 марта N-дезацетиллапаконитин гидробромиди хлороформга ўтказиб олинади.

30 л ҳажмдаги бирлаштирилган хлороформли экстракт вакуум-циркуляцион буғлатиш аппарати (4)га ўтказилади. Буғлатиш жараёни 50-60°C ҳароратда ва -0,9-0,5 кгс/см<sup>3</sup> вакуум остида олиб борилади. Буғлатишдан сўнг олинган 5 л ҳажмдаги қуюқ хлороформли экстракт вакуум-роторли буғлаткичга ўтказилиб, органик эритувчи – хлороформ тўлиқ чиқариб юборилади. Бунда 650 г миқдордаги қуруқ қолдиқ олинди, уни аралаштиргич (6)га жойланади ва 6,5 л миқдорида этил спирти қуйилади. 5 дақиқа давомида аралаштирилгач, N-дезацетиллапаконитин гидробромидининг спиртли эритмаси олинади. Спиртли эритма қайтарма совуткич ўрнатилган қолба (7а)га қуйилиб, 10 л ҳажмдаги сув ҳаммоми (7б)га жойланади, эритмага 35 г фаоллантирилган кўмир қўшилади. Эритма қиздирилиб, 10 дақиқа давомида қайнатилади. Шундан сўнг эритма нутч-фильтр (8)да филтрланади. Филтрат вакуум-циркуляцион буғлатиш аппарати (9)да 2 л ҳажмда қолгунича буғлатилади, сўнгра қуюлтирилган филтрат тўлиқ қуритиш учун роторли буғлаткич (10)га ўтказилади. 630 г техник антиаритмин олинади.

Техник маҳсулот аралаштиргич (11)га жойланади, 6,3 л ацетон қуйилади ва 5 дақиқа давомида қайнатилади. Олинган эритма совутиш қатламига эга бўлган кристаллизатор (К)га қуйилади, совутилади. Антиаритмин субстанцияси чўкмага тушади. Чўкма нутч-фильтр (12)да филтрланади, олинган майда кристалли модда қуритиш шкафида 60-70°C ҳароратда қуритилади.

Яқунда жами 475 г миқдорида (қуруқ хом ашё массасига нисбатан 47,5%) антиаритмин – фабрикат олинади (N-дезацетиллапаконитин гидробромиди миқдори 97,5% дан кам эмас). N-дезацетиллапаконитин гидробромидининг чиқиш унуми хом ашёда сақланишига нисбатан 95% ни ташкил этади.

*Яқуний маҳсулотни стандартлаш ва унинг сифат назорати.* Антиритмин субстанцияси чинлигини аниқлашнинг учта усули: спектрофотометрия (330±2 нм), алкалоидлар ҳамда бромидларга хос реакциялар киритилган. Органик эритувчиларнинг қолдиқ миқдорлари газ-суюқлик хроматографияси билан аниқланади. Субстанциядаги антиаритмин миқдорини аниқлаш спектрофотометрия усули билан олиб борилади. Эрувчанлик, эритма тиниқлиги ҳамда ранги, рН, сульфат кули, оғир металллар, микробиологик тозаллиги, захарлилиги ва пирогенлиги каби кўрсаткичларида умумий қабул қилинган меъёрларга (Давлат Фармакопеяси) амал қилинади.

Антиаритмин дори воситаси субстанциясини стандартлаш учун ўтказилган тадқиқотлар натижасида антиаритмин субстанцияси ва стандарт намунасига тегишли меъёрий-техник ҳужжатлар жамланмаси ишлаб чиқилган. Натижада Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази томонидан антиаритмин субстанциясига – ВФС 42 Уз-3258-2017 ва антиаритмин стандарт намунасига – ВФС 42 Уз-3257-2017 вақтинчалик фармакопея мақолалари тасдиқланган.

Диссертациянинг «*Aconitum zeravschanicum* ер устки қисмидан дигидроатизин гидрохлориди дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш технологияси» учинчи боби *Aconitum zeravschanicum* ўсимлиги ер устки қисмидан дигидроатизин гидрохлориди дори воситаси субстанцияси технологиясини ишлаб чиқишнинг натижалари баён этилган. Шунингдек, дигидроатизин гидрохлориди дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг босқичма-босқич назорати натижалари баён этилган.

Ишлаб чиқаришнинг қуйидаги технологик жараёнлари ўрганилди:

- 1) ўсимлик хом ашёсини экстракция қилиш;
- 2) экстрактни сувли қолдиқгача қуюлтириш;
- 3) алкалоидлар суммасини олиш;
- 4) алкалоидлар суммасидан атизин-хлорид олиш;
- 5) техник дигидроатизин гидрохлоридини олиш;
- 6) дигидроатизин гидрохлориди – фабрикат олиш.

Майдаланган хом ашёни 80%-ли этил спиртида экстракция қилинди. Ўсимлик хом ашёсини сув-спиртли экстракция қилиш жараёнини ишлаб чиқиш хом ашёдан алкалоидлар йиғиндисини 95%-ини ажратиб олиш имконини берди.

*Экстрактдан алкалоидлар йиғиндисини ажратиб олиш.* Экстрактдан алкалоидлар йиғиндисини ажратиб олиш учун экстракт сувли қолдиқгача қуюлтирилди, совутилди, юзага қалқиб чиққан смоласимон моддалар ажратилди ва алкалоидлар органик эритувчи билан экстракция қилинди. Ажратиш шароитлари – ишқорловчи восита, экстрагент танланди. Оптимал ишқорловчи восита сифатида кальцинацияланган соданинг тўйинган эритмаси, эритувчи этиб – хлороформ танланди. Тажрибалар натижаларига кўра экстракция жараёни шароитлари – экстрактни кальцинацияланган соданинг тўйинган эритмаси билан рН 10-12 гача ишқорлаш, экстрактни хлороформга 3:1 нисбати ўрнатилди. Ушбу шароитда экстрактнинг сувли қолдиғини хлороформ ёрдамида тўрт карра экстракция қилинганида маҳсулот юқори унум билан олинади. Экстрактни кейинги тозалаш алкалоидларни сульфат тузини олиш йўли билан амалга оширилди. Бунинг учун 5%-ли сульфат кислота эритмасидан фойдаланилди. Хлороформли қисмдан алкалоидларни сульфат кислотаси эритмаси билан 10:1 нисбатда беш карра ажратилганда алкалоидлар батамом сульфат кислотаси эритмасига ўтади. Алкалоидларнинг сульфат кислотали эритмасини хлороформ билан икки марта ювилиб, сўнгра алкалоидларни рН 10-12 да хлороформ билан экстракция қилиниб алкалоидларнинг тозаланган йиғиндисини олинди.

*Изоатизин-хлорид ва дигидроатизин олиш.* Олинган алкалоидлар йиғиндиси катта миқдорларда турлича алкалоидлар сақлайди, жумладан атизин, атизин-хлорид, изоатизин, гетератизин, зерафшанизин, тангутизин ва бошқалар. Атизин қатори алкалоидларни олиш шароитлари ва изоатизин-хлоридни олишнинг оптимал шароитлари аниқланди. Ишқорий муҳитда (КОН) метанолда қайнатилиб ва кейинги босқичларда тозаланиб изоатизин-хлорид олиш шароитлари ишлаб чиқилди. Дигидроатизин олиш учун изоатизин-хлоридни натрий боргидриди билан қайтариш шароитлари ўрганилди. Дигидроатизин гидрохлоридни олишнинг схемаси кимё фанлари доктори Б.Т.Салимов билан ҳаммуалифликда ишлаб чиқилган.

Қайтариш реакциясини оптимал шароитларини аниқлаш учун жараён тажрибани математик режалаштиришнинг Бокс-Уильсон усули билан оптималлаштирилди. Априор маълумотлар асосида (ушбу ҳолатда бир омилли тажрибалар натижаларига кўра) қайтариш реакциясига таъсир этувчи барча омиллар танланди, шунингдек улар учун асосий поғоналар ва поғоналаш оралиқлари аниқланди. Омиллар:  $X_1$  – изоатизин-хлорид : 80%-ли метил спирти нисбати;  $X_2$  –натрий боргидриди : 80%-ли метил спирти нисбати;  $X_3$  – реакция давомийлиги, дақиқа;  $X_4$  – жараён ҳарорати, °С.

Саккизта тажрибанинг барчасини тузилган матрица асосида, матрицага мос равишда «+» ва «-» ишоралари билан кодлаб (поғоналашнинг мос равишда юқори ва қуйи поғоналари), танланган ҳар бир омил учун ўтказилди. Масалан, 1-сонли тажриба қуйидагича ўтказилди: эритманинг 5%-ли концентрацияси, эритма миқдorigа нисбатан 1% натрий боргидриди, 10°С ҳароратда, 50 дақиқа давомида; 8-сонли тажриба: эритманинг 10%-ли концентрацияси, эритма миқдorigа нисбатан 2% натрий боргидриди, 30°С ҳарорат, 70 дақиқа давомида.

Тажриба натижалари регрессия тенгламаси кўринишида тақдим этилди:

$$Y = b_0 + b_1x_1 + b_2x_2 + b_3x_3 + b_4x_4;$$

бунда  $b_0, b_1, b_2, b_3, b_4$  – тўлиқсиз квадрат тенгламанинг регрессия коэффицентлари.

Ҳисобланган « $b$ » қийматлари – тенгламага коэффицентларни қўйиш орқали, биринчи тартибли регрессиянинг қуйидагича тенгламаси олинди:

$$Y = 58,93 + 5,91 X_1 + 4,11 X_2 + 8,09 X_3 + 5,23 X_4$$

Олинган моделнинг адекватлигини аниқлаш мақсадида, олинган маълумотлар статистик таҳлил қилинди.

Ҳисоблашларга кўра,  $\Delta b_i = t S_{b_i}$  ишонч оралиғи аниқланди, бунда  $t$  – озод даража сонига Стюдент критериясининг жадвалий қиймати бўлиб,  $u$  билан танланган қийматдорлик поғонасидаги  $S_y^2$  аниқланди. Аниқлаш натижасига кўра, қайтарилиш реакциясига таъсир этувчи омилларнинг барчаси қийматдор эканлиги кўрсатилди.

Шундай қилиб, изоатизин-хлориднинг 7,5% ли метанолли эритмасига 1,5% натрий боргидриди, хона ҳароратида, 70 дақиқа давом этган қайтарилиш реакциясида дигидроатизин олиниши юқори унум билан боради.

*Техник дигидроатизин гидрохлорид олиш.* Дигидроатизин гидрохлориди олиш жараёни ўрганилди. Дигидроатизин 1:10 нисбатда спиртда эритилди.

Сўнгра хлорид кислотанинг турли концентрацияларга эга бўлган спиртли эритмалари тайёрланди. Шунингдек хлорид кислотанинг спирттаги тўйинган эритмаси ҳам тайёрланди. Тайёрланган дигидроатизиннинг спиртли эритмалари кислоталарнинг турли эритмалари билан кислотали муҳит ҳосил қилинди. Хона ҳароратида 2 соатга қолдирилди. Ўрганилган кислотали муҳит ҳосил қилувчи воситалар орасида энг самаралиси хлорид кислотанинг спирттаги тўйинган эритмаси бўлиб чиқди.

*Тоза дигидроатизин гидрохлорид олиш.* Техник дигидроатизин гидрохлориди тозалаш учун техник маҳсулотни қайта кристаллаш жараёни ҳамда субстанцияни фаоллантирилган кўмир («А» маркали, нейтрал) иштирокида тозалаш жараёни қўлланилди. Аниқландики, дигидроатизин гидрохлориди : фаоллантирилган кўмир 30:1 нисбатида ўтказилган жараёнда юқори унум ва юқори тозаликдаги маҳсулот олинади.

Дигидроатизин гидрохлориднинг унуми қуруқ ўсимлик хом ашёси массасига нисбатан 0,36%, ёки ўсимлик хом ашёсида сақланишига нисбатан 72% ни ташкил этди.

Ишлаб чиқилган технология асосида Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонаси базасида *Aconitum zeravschanicum* ўсимлигининг ер устки қисмидан дигидроатизин гидрохлориди субстанциясини ишлаб чиқариш учун саноат қурилмаси яратилди.

*Aconitum zeravschanicum* ер устки қисмидан дигидроатизин гидрохлориди субстанциясини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси баёни. Ўтказилган тадқиқотлар асосида дигидроатизин гидрохлоридини ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди (4-расм).

Ўсимлик хом ашёси (атизин миқдори қуруқ хом ашё массасига нисбатан 0,5%) – зарафшон парписи ўти ер устки қисми тарози (1)да тортиб олинади, тегирмон (2)да 10-15 мм ўлчамда майдаланади. Майдаланган ўсимлик хом ашёси экстрактор (3)га жойланади ва ўлчов идиши (4)дан 320 л 80%-ли этил спирти эритмаси қуйилади. 12 соат вақт ўтгач, 100 л ҳажмдаги экстракт тўкиб олинади. Экстракция 6 марта амалга оширилади. 600 л ҳажмдаги экстрактлар йиғич (5)да тўпланади. Бирлаштирилган спиртли экстрактлар вакуум-циркуляцияон буғлатиш аппарати (6)га ўтказилиб, дастлабки ҳажмига нисбатан 10% қолгунича буғлатилади, 60 л сувли қолдиқ – экстракт олинади. Экстракт аралаштиргич (7)га қуйилади ва 40 л хлороформ иштирокида, кальцинацияланган соданинг тўйинган эритмаси билан ишқорланади. Гетерофазали эритма 5 дақиқа давомида аралаштирилади, ажралиши учун маълум муддатга қолдирилади. Сувли қисм хлороформли қисмдан ажралгач, 1-хлороформли экстракт идиш (8)га қуйилади. 2- ва 3-ажратмалар 30 л хлороформ иштирокида олинади ва улар ҳам идиш (8)га йиғилади. Йиғилган хлороформли ажратмалар вакуум-циркуляцияон буғлатиш аппарати (9)га ўтказилиб, у ерда дастлабки ҳажмининг 50% миқдори қолгунича буғлатилади, 50 л миқдорида хлороформли экстракт олинади. Сўнгра колонка (10)га ўтказилиб, алкалоидлар 5%-ли сульфат кислота эритмаси билан экстракция қилиб олинади. Биринчи мартада 10 л миқдорида, кейингиларида эса 5 литрдан кислотали эритма сарфланади. Жараён хлороформли қисмда алкалоидлар



батамом тугагунча такрорланади. 30 л кислотали экстракт олинади. Кислотали экстрактлар бирлаштирилиб, аралаштиргич (11)га жойланади, 20 л хлороформ иштирокида кальцинацияланган соданинг тўйинган эритмаси ёрдамида ишқорланади. 5 дақиқа давомида яхшилаб аралаштирилади. Сувли қисм хлороформли қисмдан ажралгач, 20 л хлороформли экстракт олинади. 2- ва 3-экстрактлар 10 л хлороформ иштирокида амалга оширилади. Натижада 40 л хлороформли экстракт олинади. Хлороформли экстракт вакуум-циркуляцион буғлатгич аппаратида дастлабки ҳажмдан 25% қолгунича буғлатилади, 10 л қуюлтирилган қолдиқ олинади, сўнгра уни вакуум-ротацион буғлатгич (12) ёрдамида эритувчиси буғлатилиб, бутунлай қуритилади, 1030 г қурук алкалоидлар йиғиндиси олинади.

Қурук алкалоидлар йиғиндисини қайтарма совуткич билан жиҳозланган 10 л ҳажмли қолба (13)га солиниб, калий гидроксиднинг метанолдаги 10%-ли эритмасидан 6 л миқдорда қуйилади. Эритма 1 соат давомида қайнатилади, сўнгра хона ҳароратида 2 соатга қолдирилади. Сарик рангли чўкма (изоатизин) ҳосил бўлади. Қолбадаги эритма буғлатиб юбориш йўли билан қуритилади.

Қурук қолдиқ 3 л сувда эритилади ва ажратиш колонкаси (14)га ўтказилади, 3 марта 3 литрдан хлороформга ўтказиб олинади. 9 л ҳажмдаги хлороформли ажратма вакуум-ротацион буғлатгичда бутунлай қуритилади. Эритувчи батамом буғлатиб юборилгач, қурук қолдиқ ацетонда эритилади, хлорид кислотанинг спиртли эритмаси ёрдамида кислотали муҳит ҳосил қилинади, натижада изоатизин хлориди тузи кўринишида чўкмага тушади. Чўкма нутч-фильтр (16)да ажратилади, ацетон:спирт (4:1) аралашмасида ювилади. 289 г изоатизин-хлорид олинади.

Оралиқ маҳсулот – изоатизин-хлорид реакцион қолба (17)га жойланади, 4 л 80%-ли метил спиртида эритилади ва 1 соат мобайнида 150 г натрий боргидриди қисмлаб солиб борилади. Реакцион аралашма 1 соатга хона ҳароратида қолдирилади. Сўнгра уни мойсимон қолдиқгача қуюлтирилиб, 2 л дистилланган сувда эритилади ва ажратиш колонкаси (18)га ўтказилади, у ерда дигидроатизин 3 марта 2 литрдан хлороформга ўтказиб олинади. Хлороформли ажратмалар бирлаштирилади, вакуум-ротацион буғлатгич (19)да қурук қолдиқ қолгунча буғлатилади, асос ҳолатдаги дигидроатизин олинади. Дигидроатизин 320 мл спиртда эритилади, хлорид кислотанинг спиртдаги тўйинган эритмаси ёрдамида муҳит кўрсаткичи рН 3-4 гача етказилади. Эритма хона ҳароратида 2 соатга қолдирилади. Дигидроатизин гидрохлорид тузи кўринишида чўкмага тушади. Чўкма нутч-фильтр (20)да ажратилади, спирт билан нейтрал муҳитгача ювилади, 234,5 г миқдорда техник маҳсулот олинади.

Техник дигидроатизин гидрохлориди қайтарма совуткич билан жиҳозланиб сув ҳаммомига ўрнатилган 4 л ҳажмли қолба (21)га жойланади, 1800 мл спирт қуйилади ва фаоллантилган кўмир кўшиб, 10 дақиқа давомида қайнатилади, эритма нутч-фильтрда филтрланади. Филтрат кристаллизатор (22)га қуйилади,  $+5\pm 2^{\circ}\text{C}$  ҳароратда совутилади. Дигидроатизин гидрохлориди кристаллари чўкмага тушади. Чўкма нутч-фильтр (23)да ажратилади, 220 г якуний маҳсулот олинади. Ажратиб олинган дигидроатизин гидрохлориди қуритиш шкафи (24)да  $80^{\circ}\text{C}$  ҳароратда қуритилади.

Шундай қилиб, дигидроатизин гидрохлоридининг чиқиш унуми ўсимлик хом ашёси массасига нисбатан 0,36%-ни ёки хом ашёда сақланишига нисбатан 72% ни ташкил этади.

Дигидроатизин гидрохлориди субстанцияси ва хом ашёсини стандартлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси Давлат маркази томонидан дигидроатизин гидрохлорид субстанциясига – ВФС 42 Уз-3256-2017 ва ўсимлик хом ашёси – зарафшон парписи ўсимлигига – ВФС 42 Уз-3255-2017 вақтинчалик фармакопоя мақолалари тасдиқланган.

## ХУЛОСАЛАР

1. *Aconitum septentrionale* ва *Aconitum leucostomum* ўсимликлари илдиз ва илдизпояларидан аллапинин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришнинг иккиламчи маҳсулотларини чуқур ўрганиш натижасида аритмияга қарши юқори самарали ва юқори тозаликдаги (тозалик даражаси 97,5% дан кам бўлмаган) антиаритмин дори воситасини ишлаб чиқариш учун асосий манба – техник аллапининни қайта кристаллашнинг метанолли эритмасидан фойдаланиш тавсия этилди.

2. Аллапинин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган иккиламчи маҳсулотдан антиаритмин дори воситаси субстанциясини ишлаб чиқариш жараёнларига таъсир этувчи омиллар аниқланиб, жараён математик усулда оптималлаштирилди, бу эса якуний маҳсулотни иккиламчи маҳсулотда сақланишига нисбатан 95% унум билан олиш имконини берди.

3. *Aconitum zeravschanicum* ўсимлиги ер устки қисмидан аритмияга қарши дигидроатизин гидрохлориди дори воситаси субстанциясини олишнинг технологик жараёнлари тадқиқ этилди ва унга кўра тажрибаларни математик усуллар билан режалаштиришни кўллаш орқали технологик жараёнларни олиб боришнинг мақбул шароитлари танланади.

4. Дигидроатизин гидрохлориди дори воситаси субстанциясини ўсимлик хом ашёсида сақланишига нисбатан 72% унум билан ва тозалик даражаси 96% дан кам бўлмаган якуний маҳсулот олиш имконини берувчи технология тавсия этилди.

5. Ўсимлик хом ашёси ва субстанцияни анализ қилиш ва стандартлаш ҳамда антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди субстанцияларини ишлаб чиқаришни назорат қилишнинг титриметрик ва хроматоспектрофотометрик анализ усуллари тавсия этилди.

6. Антиаритмин ва дигидроатизин гидрохлориди дори воситалари субстанцияларини ишлаб чиқаришнинг тажриба-саноат реглемантлари тузилди ва бунинг асосида Ўсимлик моддалари кимёси институти Тажриба ишлаб чиқариш корхонасида ушбу дори воситалари субстанцияларини олишнинг ускуналар тизими йиғилиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари апробациядан ўтказилди ҳамда йиғилган тизимда ишлаб чиқарилган дори воситалари клиник синовлар учун етказиб берилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИООРГАНИЧЕСКОЙ  
ХИМИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА,  
ИНСТИТУТЕ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

---

**ИНСТИТУТ ХИМИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ ВЕЩЕСТВ**

**ВАЛИЕВ НЕЪМАТЖОН ВАЛИЖОН ЎҒЛИ**

**ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА СУБСТАНЦИЙ ПРЕПАРАТОВ  
АНТИАРИТМИНА И ДИГИДРОАТИЗИНА ГИДРОХЛОРИДА**

**02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.4.PhD/Т495.**

Диссертация выполнена в Институте химии растительных веществ.

Автореферат диссертации на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Сагдуллаев Шамансур Шахсаидович**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Мавлянов Саидмухтор Максудович**  
доктор химических наук, профессор

**Исматов Дилмурат Нуруллаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский фармацевтический институт**

Защита состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 при Институте биоорганической химии, Национальном Университете Узбекистана, Институте химии растительных веществ (Адрес: 100125, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: (99871) 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (регистрационный номер №\_\_\_\_\_). (Адрес: 100125, Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: (99871) 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, , e-mail: [asrarov54@mail.ru](mailto:asrarov54@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан: «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года.  
(реестр протокола рассылки \_\_\_\_\_ от «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 года).

**Ш.И.Салихов**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

**М.И.Асраров**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

**А.А.Ахунов**

Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день по всему миру ведутся широкомасштабные научно-исследовательские работы по получению физиологически активных веществ – лекарственных препаратов из возобновляемых природных растительных ресурсов. Причиной этого является превосходство природных физиологически активных соединений по безвредности их синтетических аналогов. Кроме этого, здравоохранение населения всего мира является вопросом глобального значения. Поэтому, создание рациональной, экономически выгодной и экологически чистой, с наиболее высокой рентабельностью технологий производства препаратов с высоким терапевтическим эффектом на основе природных соединений имеет большое значение.

В настоящее время в мировых исследовательских центрах различных стран изучены химические составы растительного сырья на содержание дитерпеноидных алкалоидов, определены их фармакологические и токсикологические свойства, проведены технологические исследования в области получения их в производстве. В химико-фармацевтических компаниях внедрены технологии по переработке алкалоидоносного растительного сырья с целью получения физиологически активных соединений производства субстанций природных веществ, в том числе дитерпеноидных алкалоидов, на их основе создано много лекарственных препаратов различного предназначения.

В нашей Республике проведены комплексные научно-исследовательские работы по определению ареалов запасов лекарственных растений, идентификацию их химического состава, фармакологическим и токсикологическим изысканиям природных соединений и разработке технологий переработки лекарственных растений. В результате на основе алкалоидов созданы препараты «Аллапинин», «Галантамина гидробромид», «Цитизин» и другие. В 4-м направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан поставлены задачи по «улучшению дальнейшего развития фармацевтической промышленности, обеспечению населения и медицинских учреждений дешевыми высококачественными препаратами»<sup>1</sup>. В соответствии с нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере для решения этих задач особое значение имеет создание новых лекарственных средств на основе дитерпеноидных алкалоидов, также их технологии получения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан за № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» и за № УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отрасли», в Постановлении Президента Республики

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Узбекистан за № ПП-3847 от 12 июля 2018 года «О мерах по совершенствованию деятельности Института химии растительных веществ имени С.Ю.Юнусова Академии наук Республики Узбекистан» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Зарубженными учеными S.Pelletier, G.Waller, O.Achmatovich, A.Rahman F.Wang, L.Marion, Q.Chen, C.Lin, K.Kou, A.Ulubelen проведены исследования по выделению из источников и установлению структуры дитерпеноидных алкалоидов, также фармакологические и токсикологические исследования алкалоидов данного класса. В последние годы достигнуты заметные успехи в области изучения дитерпеноидных алкалоидов по их активности в новых направлениях, в частности цитотоксической и противоопухолевой.

В Узбекистане исследования по изучению алкалоидов были начаты в 50-х годах XX века под руководством академика С.Ю.Юнусова, его коллегами и учениками: А.С.Садыковым, С.И.Искандеровым, Г.П.Сидякином, П.Х.Юлдашевым, М.С.Юнусовым и другими. Ими были изучены сотни алкалоидоносных растений и изучены их химический состав. Глубокое изучение дитерпеноидных алкалоидов растений рода *Aconitum*, в частности исследования по установлению их химической структуры, биосинтез, метаболизмы и модификации проведены Б.Т.Салимовым, М.Н.Султонходжаевым, С.К.Усмановой. Фармакологические и токсикологические свойства дитерпеноидных алкалоидов установлены Ф.С.Садриддиновым и Ф.Н.Джахангировым. Технологии получения субстанций некоторых дитерпеноидных алкалоидов разработаны Т.Т.Шакировым, Х.Н.Ариповым, Ш.Ш.Сагдуллаевым, А.З.Садиковым.

При изучении фармакологических и токсикологических свойств ряда дитерпеноидных алкалоидов специалистами отдела фармакологии и токсикологии Института химии растительных веществ выявлено, что главный метаболит лаппаконитина (аллапинина) – N-дезацетиллаппаконитина (антиаритмин) обладает выраженным противоаритмическим и противофибрилляторным действием при нарушениях сердечного ритма, индуцированных у различных животных аконитином, хлоридом бария, электрическим раздражением камер сердца и окклюзией коронарной артерии. В отличие от аллапинина, антиаритмин менее токсичен, обладает большей терапевтической широтой, превосходит аллапинин по скорости развития противоаритмического эффекта. Также, выявлена противоаритмическая активность дигидроатизина гидрохлорида при экспериментальных наджелудочковых и желудочковых формах тахикардий. По механизму электрофизиологического действия на миокард дигидроатизина гидрохлорид сочетает в себе свойства антиаритмиков I и IV классов. Установлено преимущество препарата перед современными противоаритмическими

средствами как хинидин, новокаинамид, лидокаин, аймалин, аллапинин и верапамил.

